

ГЕРМАНИЯ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИДА ТЕРГОВГА ТЕГИШЛИЛИК МАСАЛАЛАРИ БОРАСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Темур Байжанов

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Академияси мустақил изланувчиси

E-mail: bayjanovtemurbek07@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14988490>

Германия континентал ҳуқуқ тизимига эга давлатдир. Бу давлатларнинг жиноят ишларини юритиш жараёнлари кўп жиҳатдан ўхшашлиги ажабланарли эмас. Бундан ташқари, жуда кўп сонли процессуалистлар Наполеоннинг 1808 йилдаги ЖПКнинг нафақат 1877 йилдаги Германиянинг ЖПКга, балки бошқа давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигини шаклланишига ҳам етарли даражада ўз таъсирини кўрсатганлигини таъкидлашади¹.

Германияда жиноят процессининг асосий манбалари 1877 йил 1 февралда қабул қилинган, кўплаб ўзгартириш ва қўшимчалар билан амалда бўлган ЖПКдир. Жиноят-процессуал қоидалар бир қатор бошқа қонунларда ҳам мавжуд - 1877 йилдаги суд тизими тўғрисидаги қонун, 1871 йил Жиноят кодекси, 1961 йилдаги судьялар тўғрисидаги қонун ва бошқаларда².

ЖПКнинг 160-моддасига мувофиқ Германияда жиноятларни тергов қилиш прокуратурага юклатилган. Терговнинг ўзи биринчи тергов ҳаракатларининг амалда бажарилишидан бошланади ва муайян процессуал ҳужжатларни бажариш билан боғлиқ эмас. Тергов натижаларига кўра иккита қарордан бири қабул қилиниши керак: айблов ҳулосасини тузиш ва судга юбориш орқали жиноий иш қўзғатиш ёки ишни тугатиш. Одатда барча бошланган ишларнинг тахминан 60 фоизи тугатилади³.

Амалда жиноятларни тергов қилиш фаолиятининг асосий қисми ички ишлар органлари томонидан суриштирув тарзида амалга оширилади, тергов қилинган жиноятларнинг атиги 2 фоизи прокуратура органларига тўғри келади. Полиция ҳақиқатда мустақил тергов органига айланган. Бу амалиёт полициянинг техник жиҳатдан яхши жиҳозлангани ва яхши кадрларга эга эканлиги билан боғлиқ⁴. Полиция фаолияти Германия ЖПКнинг 160, 161-моддалари таъсирига киради, бунда прокурор ишни полиция ёрдамида текширади⁵.

¹ Кодекс Наполеона // https://ru.wikipedia.org/Кодекс_Наполеона. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 17.03.2024).

² Гуценко К.Ф., Головки Л.В., Филимонов Б.А. Уголовный процесс западных государств. <http://lawlibrary.ru/izdanie41995.html>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 17.03.2024).

³ Уголовно-процессуальный кодекс Федеративный Республики Германия – Научно-практический комментарий и перевод закона. // <https://publishup.uni-potsdam.de/opus4-ubp/frontdoor/deliver/index/docId/6039/file/sdrs02.pdf>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 04.02.2024).

⁴ Белоус Е.И. Досудебное производство в уголовном процессе Германии на современном этапе. // Актуальные проблемы уголовного права и процесса в условиях реформирования законодательства. материалы Международной научной конференции. 2014. С. 385-390.

⁵ Чурикова А.Ю. Прокурор в уголовном процессе Германии. В сборнике: Право и правоохранительная деятельность. Материалы IV Международной научно-практической конференции преподавателей, практических сотрудников, студентов, аспирантов. 2017. С. 136-139.

Германиянинг ЖПКда дастлабки терговнинг батафсил регламенти мавжуд эмас (суриштирув полиция томонидан прокурор бошчилигида амалга оширилади). Полиция ишини тартибга солиш Германиянинг маъмурий-худудий бирликлари - Штатлар томонидан амалга оширилади. Улар федерал қонунларга зид бўлмаган полициянинг тезкор-қидирув ва тергов ишларини тартибга солувчи қонунлар чиқариш ҳуқуқига эга⁶. Шунга қўра, Германия Федератив Республикасининг ЖПКда жиноят ишлари бўйича терговга тегишлилик институтини тартибга солувчи қоидалар мавжуд эмас. Юрисдикцияни тақсимлаш штатларнинг қонун ҳужжатлари ва қисман идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан амалга оширилади

Германияда полицияси Ички ишлар вазирлиги таркибига киритилиб, полиция тизими жиноий полиция ва умумий полиция бўлинмаларига бўлинган. Жиноий полиция асосан оғир ва мураккаб жиноятларни, умумий полиция – ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларни, шунингдек юқори даражадаги полиция мансабдор шахслари буйруғи билан ўртача оғирликдаги жиноятларни: транспорт жиноятлари, уй-жой дахлсизлигини бузиш, ёзишмалар сирлари, баданга шикаст етказиш, товламачилик ва фирибгарлик каби жиноятларни тергов қилади⁷.

Федерал полиция тузилмаси Жиноят ишлари бўйича федерал идора (БКА) каби органни ўз ичига олади. БКА 1951 йилдаги «Жиноят ишлари бўйича федерал идорани ташкил этиш тўғрисида»ги қонун асосида ташкил этилган. БКАнинг устувор вазифаларига одатда трансмиллий характердаги ўта хавфли жиноятларни тергов қилиш киради: гиёҳванд моддаларнинг халқаро контрабандаси, қуроллар, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва радиоактив моддалар, қалбакилаштириш; Федерал Президент, Федерал Ҳукумат аъзолари, Бундестаг, Федерал Конституциявий суд ёки конституциявий органлар меҳмонларининг ҳаёти ва эркинлигига қарши содир этилган жиноятлар.

Германия Федератив Республикаси ЖПКнинг 162-моддасига мувофиқ, дастлабки тергов ҳар томонлама терговни талаб қиладиган ўта муҳим ҳолатларда амалга оширилади. Текширув туман ёки штат суди судьяси томонидан терговдан кейин прокурор томонидан берилган илтимоснома асосида амалга оширилади⁸.

Бунда дастлабки тергов ўтказилиши мумкин бўлган ишларнинг юрисдикцияси уларнинг юрисдикциясига қараб белгиланади. Шундай қилиб, Олий вилоят суди юрисдикциясига кирувчи ўта оғир жиноятлар бўйича дастлабки тергов ўтказилади⁹.

⁶ Ларичев В.В. Предварительное расследование преступлений в США и Германии. Дисс....к.го.н. <https://www.dissercat.com/content/predvaritelnoe-rassledovanie-prestuplenii-v-ssha-i-germanii>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 04.02.2024).

⁷ Самарин В.И. Соглашения в уголовном процессе федеративной республики Германия. В сборнике: Право и демократия. Сборник научных трудов. Минск, 2016. С. 333-344.

⁸ Уголовно-процессуальный кодекс Федеративный Республики Германия – Научно-практический комментарий и перевод закона. // <https://publishup.uni-potsdam.de/opus4-ubp/frontdoor/deliver/index/docId/6039/file/sdrs02.pdf>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 04.02.2024).

⁹ Белоус Е.И. Досудебное производство в уголовном процессе Германии на современном этапе. В сборнике: Актуальные проблемы уголовного права и процесса в условиях реформирования законодательства. материалы Международной научной конференции. 2014. С. 385-390; Сергеев А.Б. Предварительное расследование в европейских странах и США. Челябинск, // <https://www.dissercat.com/content/predvaritelnoe-rassledovanie-prestuplenii-v-ssha-i-germanii>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 19.03.2024).

Бундай ишларнинг ҳудудий юрисдикцияси тергов ўтказилиши керак бўлган округга қараб белгиланади. Ушбу ҳолатлар бўйича суриштирув биринчи бўлиб ўтказилганлиги сабабли, прокурор тергов ҳаракатларини ўтказиш керак бўлган ҳудудни белгилайди ва тегишли туман ёки Земство судига илтимоснома юборади. Агар прокуратура бир неча туманларда тергов ҳаракатларини амалга ошириш зарур деб ҳисобласа, у ҳолда у қайси туманда жойлашган бўлса, ўша туман судига мурожаат қилади (Германия Федератив Республикаси ЖПКнинг 162-моддаси).

Германияда, аслида, жиноятларни тергов қилувчи ягона орган прокурор раҳбарлигида фаолият юритувчи полиция бўлганлиги сабабли, терговга тегишлилик институтини батафсил тартибга солиш Германиянинг ЖПКда кўзда тутилмаган. Бу Франциянинг ЖПК ва Ўзбекистон ЖПКдан сезиларли даражада фарқланади.

Дастлабки терговни талаб қиладиган ишлар бўйича предмет юрисдикцияси ушбу ишларнинг судга тегишлилигига мувофиқ белгиланади. Бундай ишларнинг ҳудудий юрисдикцияси прокурор томонидан дастлабки суриштирув асосида тергов ҳаракатларини ўтказиш зарур бўлган туман белгиланади.

Шундай қилиб, ҳар бир жиноят муайян жиноят ишининг терговга тегишлилигини белгиловчи ва уни аниқ битта тергов органи томонидан тергов қилиш мажбуриятини назарда тутувчи маълум белгилар мажмуасига эга. Бундай тўпламнинг белгиловчи элементларидан бирининг ўзгариши терговга тегишлилик ўзгаришига олиб келиши мумкин.